Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
16 апрель
ШАНБА

№ 30
(12.354)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Вилоят ҳаёти

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ЭНДИ ФАСЛНИНГ ФАРҚИ ЙЎҚ

Кореянинг "Eraecs limited" компанияси ташаббуси билан Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Қибрай туманидаги ёрдамчи хўжалигида юқори технологияга асосланган иссиқхона мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Университет жамоаси талабалар билан бирга дарсдан бўш вақтларида 23 гектарли ёрдамчи хўжалик ҳудудида "Стар кримсон", "Суперголден", "Нафис" навли 5 минг туп олма кўчати, "Ризамат ота", "Мерседес" навли 750 туп ток кўчати экди. Бир километрдан зиёд йўл корейс ҳамкорлар билан бирга асфальтланди. Узлуксиз сув билан таъминлаш учун 60 тонналик иккита цистерна ўрнатилди. Шу билан бирга томчилаб суғориш тизими ва ёзги ошхона қурилди.

Шунингдек, 17,5 тонна кокос торфи, маъданли туп-роқ аралашмаси, помидор, бодринг ва бошқа сабзавот уруғлари хўжаликка юборилди.

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

КЎКЛАМОНА БЕЛЛАШУВ

14-ўрта таълим мактабида "Қушлар байрами" тадбири ўтказилди. Унда 7-а синфнинг "Қалдирғоч" ва 7-в синфнинг "Булбул" гуруҳлари ғолиблик учун беллашишди.

Тадбир якунига кўра, "Булбул" гуруҳи ғолиб бўлди.

Шунингдек, "Қомусимиз – номусимиз", "Адабий меросимиз", "Ассалом Наврўз" каби тадбирлар ва математика фани бўйича ўтказилган очиқ дарслар жуда қизиқарли кечди.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ

ЮЛДУЗЛИККА НОМЗОДЛАР

Янгийўл шаҳридаги 11-Мусиқа ва санъат мактабида Муҳиддин Қориёқубов номидаги ёш ижрочилар республика танловининг вилоят саралаш босқичи ўтказилди.

Унда Чиноз мусиқа ва санъат мактабининг 12 нафар ўқувчиси муваффақиятли иштирок этди. Кўрик-танлов якунига кўра, 1-мактаб ўқувчиси Аббос Жўраев дуторда, Шерали Холматов ва Жавоҳир Эргашев доирада 1-ўринни олдилар. Академик хонандалик бўйича Сафарбек Исоқов, Шаҳноза Муҳаммаджонова, Отабек Мақсудов, Шаҳзода Муҳаммаджонова ва Ҳумоюн Тўрақулов иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорлар вилоят халқ таълими бошқармаси диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

БЎКА ТУМАНИ

ИЛЛАТЛАРДАН МУҲОФАЗА

Тумандаги агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳамда ёшларнинг турли иллатлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш мақсадида "Жиноятдан қолган из" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, Маънавият-тарғибот маркази ҳамда туман ички ишлар бўлими вакиллари иштирок этди.

Суҳбатда вояга етмаган ёшлар ўртасида учраётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг оқибатлари тўғрисида атрофлича тушунтириш берилди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

БАРИ ЎЗИМИЗНИКИ, ВИЛОЯТНИКИ

Мустақиллик йилларида юртимиз иқтисодиётининг муҳим таянчи ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш, барча куч ва имкониятларни ишлаб чиқариш тармоқларини жадал шакллантириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш, мамлакатимизда барча учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қараб келинмоқда. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан махсус Давлат дастурининг қабул қилинганлиги мазкур тармоқни янада ривожлантириш, ички бозорни рақобатбардош ҳамда сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлмоқда.

Куни кеча Ўртачирчиқ туманидаги вилоят Маънавият ва маърифат марказида иш бошлаган минтақавий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ҳам ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг муҳим бир бўлагидир. Бинобарин, тўрт йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бу тадбир мақсад ва моҳиятига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, харидорларнинг истеъмол товарларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, қолаверса, хом ашё ва бутловчи буюмларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳисобига четдан келтириладиган маҳсулотни камайтиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун вилоятимизда турли мулкчилик шаклидаги 2800 та катта-кичик саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 90 таси нафақат вилоят, балки мамлакатимиз саноатида ўз нуфузи ва салоҳиятига эга. Кувонарлиси, кейинги йилларда тармоқда кичик бизнеснинг ўрни сезиларли даражада ортиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 17 фоизга етди.

– Икки кунлик минтақавий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси давомида қарийб 10 миллиард сўмликка яқин узоқ муддатли шартномалар имзоланиши кутилмоқда, – дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси саноат бўлими бошлиғи Аҳрор Мўминов. – Бунинг учун ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида вилоятимиздаги 130 га яқин корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Шунингдек, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан маҳсулот харид қилиш бўйича шартномалар тузиш учун ҳудудлардан корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан бир қаторда давлат солиқ идоралари, тижорат банклари, савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари қатнашаётгани ярмаркадан кўзланган самаранинг янада ошишини таъминламоқда.

Икки кунлик минтақавий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бугун ўз ишини якунлайди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ижроси демократик янгиланиш жараёнининг навбатдаги босқичини белгиловчи омил бўлмоқда.

МАҚСАД – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг VI пленумида шу жараённинг вилоятдаги инъикоси муҳокама этилди.

Унда асосий эътибор Ўзбекистон ХДП ташкилоти депутатлик гуруҳларининг партия электорати манфаатлари масалаларини ҳал этишдаги фаол иштирокига қаратилди.

Депутатлар ташаббуси билан мактабгача таълим муассасалари ва кўпқаватли тураржой биноларини иситиш ва иссиқ сув етказиш учун тежамкор муқобил қозонхоналарни ўрнатиш бошлаб юборилди. Бу 2010-2011 йилнинг кузги-қишки даврида 12 та мактабгача таълим муассасасига узлуксиз иссиқ сув ва иссиқлик етказиб бериш ҳамда бунинг учун сарфланадиган табиий газни анчагина тежаш имконини беради.

Пленумда, шунингдек, ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши ижроия қўмитасининг 2010 йилги ҳисоботи ҳам тингланди. Партия электорати ўртасида ижтимоий-сиёсий ишлар самарасини янада ошириш кераклиги таъкидланди.

Пленумда партиянинг 2010 йилдаги бюджетининг бажарилиши ва 2011 йилги бюджети масалалари ҳам иштирокчилар эътиборида бўлди.

Кўрилган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Абдукарим АБДУЛЛАЕВ.

Бўш вақтларида китоб ўқиш, ҳунар ўрганиш ўрнига, айтайлик, юриб кетаётган поездга тош отиш ёки унинг изларига тош қўйиш билан машғул бўлаётган болалар ҳам йўқ эмас.

СУҲБАТ БАҲОНА МУСОБАҚА

Бўстонлиқ тумани Озодбош қишлоғидаги 6-мактабда ўтказилган учрашувда ёшлар билан шу масалалар муҳокама қилинди. Суҳбат сўнгида мактаб ўқувчилари ўртасида стол тенниси мусобақаси уюштирилди.

Ўттиздан зиёд болалар қатнашган мусобақада 1-ўринни 6-мактаб ўқувчиси И. Беркинбоев, 2-ўринни 4-мактаб ўқувчиси М. Сайфуллаев, 3-ўринни эса Ш. Унарбоев қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Шотурсун ХАЛИЛОВ.

Олмалиқ шаҳридаги Кончилар институти кон-металлургия факультетида институт маъмурияти, талаба ва меҳмонлар иштирокида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ижодига бағишланган адабий-маърифий кеча ташкил этилди.

НАФИС СЎЗ УСТАСИ

Кечада нафис сўз устасининг барчага таниш ва ёқимли, дилни туғёнга келтирувчи шеърлари маҳорат билан ўқилди.

Шоирнинг ижод йўли ва мазмун-моҳият жиҳатидан чуқур фалсафий шеърлари ҳақида илиқ ва самимий мулоҳазалар билдирилди.

Иқтидорли талабалар муаллифнинг шеъри асосидаги давлат мадҳияси ва бошқа машҳур қўшиқларини ижро этишди.

КУЛГИ ОЛАМНИ ҚУТҚАРАДИ

Тошкент Фотосуратлар уйида "Дунё кулганда тирик" шиори остида табассум фестивали бўлиб ўтди.

Кўргазмада Равшан Эгамбердиев, Солижон Маматқулов, Николай Попов, Вячеслав Муромцев, Баҳром Тожиев, Шавкат Туробов ва бошқа ижодкорларнинг 100 га яқин асарлари намойиш этилди. Миллий қадриятларимизни тарғиб этиш ва оммалаштириш, инсониятнинг ахлоқий камолоти ва тараққиёт йўлига ғов бўлаётган иллатлар ўткир ҳажв ва ҳазил карикатуралар орқали акс эттирилган.

Карикатура ҳар қандай ҳолатларда ҳам ҳозиржавоб, муаммолар моҳиятини образли намойиш этадиган ноёб санъат туридир. Уни англаш учун таржимоннинг ҳожати йўқ, сўзсиз ҳам у ҳамма учун тушунарли.

– Соғлом кулги ва яхши кайфият минг дардга даво дейишади, – деди фестиваль аввалида сўзга чиққан "Муштум" журнали бош муҳаррири Носиржон Тошматов. – Кулги кишилар ўртасидаги эзгулик, тинчлик ва дўстлик ғояларига хизмат қилади. Юмор ҳисси, ўзининг устидан кула олиш қобилияти, бошқаларга хайрихоҳлик жамият маданияти даражасини белгилайди.

Шунингдек, фестивалда ҳазил суратлар, қувноқ кулгига бой видеороликлар ва слайдлар, ҳажвий мазмундаги плакат ва каталогларнинг импровизациялашган кўргазмаси, масхарабозлик, ўйин ва ҳазиллар, кўргазма-танлов ғолибларини мукофотлаш, иштирокчиларга сертификат топшириш маросимлари ҳам бўлиб ўтди.

Захро ҲАСАНОВА.

2011 йил учун ОБУНА давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

18-23 АПРЕЛЬ – ПОЛИОМИЕЛИТГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ЭМЛАШ КУНЛАРИ

ҲЕЧ БИР БОЛА ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Юртимизда ўтказилган режали ва миллий эмлаш кунлари натижасида 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелитнинг ёввойи вирусидан ҳоли мамлакат сифатида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан сертификатланган. Республикада ушбу вирус хавфи бартараф этилган бўлса-да, қўшни Афғонистон ва Тожикистон Республикаларида шол касаллиги ҳамон қайд этилмоқда.

Республикамизга полиомиелитнинг ёввойи штамми кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш дастури асосида, шунингдек, эпидемик барқарорликни сақлаш мақсадида 2010 йилнинг май, июнь, июль ва октябрь ойларида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги оммавий эмлаш кунларининг тўртта босқичини ўтказганди. Бу даврда вилоятда янги туғилган чақалоқлардан то 15 ёшгача бўлган қарийб бир миллионга яқин бола эмланди. Ҳозирги кунга келиб, нафақат Тожикистон, балки Қозоғистон Республикасида ҳам полиомиелит ва ўткир шол синдроми бўйича вазият мушкуллигича қолаётгани инобатга олиниб, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги оммавий эмлаш кунларининг 5-6-босқичларини ўтказишга қарор қилди. Бунда 5 ёшгача бўлган 262 минг 161 бола 18-23 апрель ва 23-28 май кунлари эмланади.

– Болалар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сертификатига эга бўлган, Бельгияда тайёрланган вакцина билан эмланади, – дейди вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи муовини Набижон Жўраев. – Тадбир поликлиника, қишлоқ шифокорлик пунктлари, боғча ва болалар уйларида ўтказилади.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

«UZTELECOM» БРЕНДИ ЗАМОНАВИЙ ВА ОММАБОП

Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг ривожланиш истиқболлари, халқаро фаолияти ва янги UZTELECOM брендининг татбиқ этилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Йиғилиш иштирокчиларига "Ўзбектелеком"нинг 2011 йилги иш режалари ҳақида кенг маълумот берилди. Жумладан, бу йил 70 минг абонент сиғимига эга кенг йўналишда интернет-хизматларини, оптик технологиялар ёрдамида уйгача мультисервис хизматлари тақдим этишни янада ривожлантириш учун ускуналар ўрнатиш ва бошқа ишлар режалаштирилган.

Республика Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорининг 1-иловасига мувофиқ, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси йил охирига қадар мижозларга симли телефон алоқаси, интернет-хизматлари, CDMA-450 стандартидаги мобиль алоқа каби барча телекоммуникация хизматлари жамламасини "ягона ойна" тизимида кўрсатиш имкониятини берувчи мамлакат бўйлаб 50 та брендлаштирилган абонентлик пунктларини ташкил этиш режасини амалга оширишни мўлжаллаган.

Матбуот-анжуманида, шунингдек, мижозларга кўрсатиладиган хизматлар тизими тубдан янгиланаётганлиги алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ЭҲТИЁЖГА ЯРАША, ТАЛАБЛАРГА МОС

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида матбаа фаолиятини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори, "Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом қисқа муддатда матбаа соҳасининг техник базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш имконини берди.

Бу ўз навбатида босма маҳсулотлар сифати ошиши ва халқаро стандартлар талабларига мос бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида ўтказилган йиғилишда шу масалалар муҳокама қилинди.

Матбаачиликда хусусий корхоналар кўпайиб бораётгани диққатга сазовор. Айниқса, аҳолининг китоб, журнал, дафтар ва шу каби бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришда уларнинг алоҳида ўрни бор.

Ҳозир республикамизда дафтар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 22 та матбаа корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Ички бозорнинг турли хил дафтарларга бир йиллик ўртача эҳтиёжини 2011 йилда ортиғи билан қондириш режалаштирилди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

АНЖУМАН

Кейинги йилларда йўлсозликни ривожлантириш мақсадида республика Президентининг "2009-2014 йилларда Ўзбек миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида", "Йўл инфратузилмасини ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қарорлари асосида дастурлар қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

ЙЎЛ ЮРИБ ЧАРЧАМАЙСИЗ

Сўнгги йилларда халқаро ва давлат аҳамиятидаги 3722 километрдан ортиқ янги йўллар қурилди ва таъмирланди. Шу билан бирга 2755 километрлик Ўзбек миллий автомагистралининг 238 километри икки тасмалидан тўрт тасмалига ўтказилди.

Дастур асосида 2012-2015 йилларда 2306 километр автомобиль йўллари қурилади ва реконструкция қилинади. Шундан 1410 километри Ўзбек миллий автомагистрали таркибида бўлади. Шунингдек, "Гулистон – Оҳангарон" йўли билан "Қорасув – Бўка – Бекобод" йўли кесишмасида ҳамда бир қатор бошқа ҳудудларда йўллар қуриш режалаштирилган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу соҳадаги ўзгаришлар, йўлсозликни ривожлантиришдаги ютуқлар, иш сифатини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида 2011-2015 йилларда Ўзбек миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқаси инфратузилмаси ва сервис хизматини ривожлантириш учун ёқилғи қуювчи 244 та шахобча, газ тўлдирувчи 49 та компрессор станцияси, 78 та авария-чақирув ва тиббий тез ёрдам хизмати пункти, 31 та санитария-гигиена шароитларига эга қисқа тўхташ майдончалари, туризм талабларига мос 9 та объект қурилади.

Анжуман сўнгида журналистларнинг саволларига мутахассислар батафсил жавоб беришди.

Зулфия АЛИЕВА.

ИЛК БОСҚИЧ ҒУНЧАЛАРИ

Юқоричирчиқ туманидаги 34-мактабда 1995-2000 йилда туғилган қизлар ўртасида "Камолот ғунчалари" спорт мусобақаси ўтказилди.

Қизларни спортга, айниқса, бадиий гимнастикага жалб этиш мақсадида ташкил этилган мусобақада туманда энг яхши натижа кўрсатган 31 ўқувчи қиз жисмоний тайёргарлик бўйича маҳоратини намоён этди. Танлов ҳайъатининг якуний қарорига биноан 6 қиз вилоят босқичига йўлланма олди.

Голибларга мусобақа ташкилотчиси бўлган "Камолот" ЁИҲ Юқоричирчиқ туман кенгаши шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди.

Саид АСҚАРОВ.

18-23 АПРЕЛЬ – ПОЛИОМИЕЛИТГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ЭМЛАШ КУНЛАРИ

ҲЕЧ БИР БОЛА ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Бунинг учун қўшимча эмлаш бригадалари ташкил этилиб, ходимлар ўқитилади. Вилоятда 660 та эмлаш пункти, 674 та бригада жамланиб, уларга 2000 дан ортиқ тиббиёт ходими бириктирилди. Аҳоли ўртасида тарғибот олиб бориш мақсадида кўплаб плакат, варақа ва қўлланмалар тарқатилди.

Касаллик чақирувчи полиовирус ифлос озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув орқали юқиб, ичакда кўпаяди ва қон орқали асаб толаларига таъсир этади. Бемор атрофидаги болаларга касаллик жуда тез юқиши мумкин. Касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлишидан 10 кун олдин ва пайдо бўлгандан кейинги 10 кун давомида юқиш хавфи кучли бўлади.

Болада полиомиелит бошланганда ич кетиши, овқат ҳазм бўлмаслиги, бош ёки қорин оғриғи, тана ҳароратининг кўтарилиши каби ҳолатлар кузатилади. Сўнг мускулларда кучли оғриқ ва фалажлик қайд этилади. Фалажлик касалликнинг биринчи ҳафтасида кузатилади. Оёқ ёки қўл ҳаракатлари сусаяди, шунингдек, нафас олиш қийинлашади. Баъзи ҳолатларда ҳаракат фаоллиги бемор тузалгандан сўнг тикланади.

Касалликнинг илк аломатлари – мускулларда оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши каби ҳолатларда дори-дармон билан беморга ёрдам бериш мумкин, лекин фалажликнинг махсус давоси йўқ. Демак, полиомиелитнинг олдини олишнинг ягона йўли эмлаш ҳисобланади.

Отабек САИДОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – ТОТУВ ҲАЁТИМИЗ ОМИЛИ

Кўп миллатли ва диний хилмахилликка эга давлатларда ўзаро тотувлик ҳамда бағрикенглик тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминловчи омиллардан ҳисобланади. Юртимизда ҳам 100 дан зиёд миллат вакиллари, шунингдек, 16 та диний конфессияга мансуб фуқаролар тинч-тотувликда яшамоқда.

Ўзбекистонда диний бағрикенглик чуқур тарихий илдизга эга бўлиб, айни кунда ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда амалий ифодасини топган. Тарихимиз ирқий ва диний камситиш ҳамда антисемитизм ҳолатларига ҳеч қачон гувоҳ бўлмаган. Манбаларнинг гувоҳ беришича, соҳибқирон Амир Темур даврида насроний (христиан) динига мансуб сиёсий арбоблардан бири вазир мартабасига эришган, ўрта асрларда юртимиздаги илм даргоҳларида турли миллат ва динга мансуб олимлар фаолият юритиб, иззат-икром ва ҳурмат-эътиборда бўлишган.

Мустақиллик йилларида давлатимизнинг динлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари ушбу тарихий анъанага янгича руҳ бағишламоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли динга мансуб фуқаролар Конституциямиз кафолатлаб берган тенг ҳуқуқлилик асосида ягона оиладек демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида бирлашганлар.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва республикада фаолият юритаётган қатор ноисломий диний ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида республика ва хорижий ОАВ вакиллари учун "Диний бағрикенглик ва динлараро муносабатлар" мавзуида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам халқимиз ва давлатчилигимизга хос бағрикенглик масаласи диққат марказида бўлди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва диний эркинлиги соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлашди. Зеро, Конституциямиз ва қонунларимиз виждон эркинлигини таъминлаш борасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча талабларига жавоб бериши билан бирга, ушбу эркинликларни амалга оширишнинг тамойил ва тартибларини аниқ белгилаб беради.

Матбуот анжуманида Дин ишлари бўйича қўмитанинг виждон эркинлигини таъминлаш ва жамиятда диний бағрикенглики мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти икки асосий тамойилга, яъни диний ташкилотларнинг ички ишига аралашмаслик ва улар билан ўзаро самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга асосланиши таъкидланди.

Мустақиллик йилларида республикамизда юзлаб масжидлар, черковлар, синагога ва ибодат уйлари қурилди, қайта таъмирдан чиқарилди. Улар қаторида Тошкентдаги "Ҳазрати Имом" мажмуи, турли вилоят марказларидаги жоме масжидлар, Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларидаги православ черковлари, шунингдек, Тошкентдаги католик черкови ва буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман Апостоль черкови ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Диндорлар ўз эътиқодлари билан боғлиқ барча ибодат ва маросимларни эмин-эркин бажариб, диний байрамларни кенг кўламда нишонлаб келмоқдалар.

Анжуманда, шунингдек, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган қатор диний ташкилот вакиллари сўзга чиқиб, фуқароларнинг диний эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришлари учун ҳукуматимиз томонидан барча зарур шароитлар яратилганини таъкидлаб, ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Ўзбекистоннинг жамиятда диний бағрикенгликни равнақ топтиришга қаратилган одилона сиёсати жаҳон ҳамжамиятига ибрат бўла олишини эътироф этишди.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ТУМАН ЙИГИТЛАРИ ЁҚТИРГАН ГЎША

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бекобод шаҳар кенгаши биносининг ҳудудида 200 туп терак, 100 тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Айни кунларда эса гул кўчатлари экиляпти.

Ҳозир кенгашнинг учта бошланғич ташкилотида тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Жойларда чақириқ ёшидаги йигитларнинг ҳарбий-жисмоний тайёргарлигига ёрдамлашиш, уларни чиниқтириш мақсадида маҳалла, коллеж ва мактабларда ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий мавзуларда тадбирлар ўтказилмоқда.

Ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ўқув-машқ автомобиллари доимо соз бўлиши таъминланяпти. Машқ ўтказиш майдони тартибга келтирилиб, йўл белгилари қўйилди. Ўқув автомобилларида доимий машқ ўтказиляпти.

2011 йилнинг биринчи чорагида "В" ва "ВС" тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш мақсадида 6 та янги гуруҳ очилди. Айни пайтда 150 ҳайдовчиликка номзод ўқитилмоқда. Йил бошидан буён 4 та гуруҳда машғулотлар олиб борилди ва 120 ҳайдовчи ўқишни тамомлади.

Спорт-техника соҳасидаги ишлар ҳам диққатга сазовор. Иккита спорт тўгараги ишлаб турибди. "Ёзги биатлон" ҳамда пневматик қуролдан ўқ отиш тўгараклари доим ёшлар билан гавжум.

Ирода НОРБОЕВА.

ҲАР ИШДА БОШ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида барча ишбилармонлар учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Паркент туманида ҳунармандчиликдаги маҳорати билан оғизга тушган Раъно Расулова тадбиркорлик фаолиятини йил сайин кенгайтириб бораяпти.

У малакасини янада ошириш мақсадида Тошкентдаги "Машҳура" ўқув марказида тикувчиликнинг турли йўналишларида таҳсил олди. Бугун эса ўз ҳунарини шогирдларига ўргатмоқда. Ҳунармандларга яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ижод намуналари билан турли танлов ва кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

СУРАТДА: Раъно Расулова шогирдлари даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

ҚАЙНОНА ВА КЕЛИНЛАР МУНОЗАРАСИ

Юқоричирчиқ туманидаги "Тинчлик" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги бешта маҳаллада "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими ҳамда "Ийк-ота" ҚВП мутахассислари "Соғлом она – соғлом бола" мавзуида давра суҳбатлари ўтказди.

Маҳалла фаоллари, ёш она ва қайноналар, туғуруқ ёшидаги аёллар ўртасида ўтказилган ушбу мунозараларда вояга етмасдан ёки 35 ёшдан кейин туғиш, ногирон туғуруқлар, оналар ва гўдаклар ўлими, исталмаган ҳомиладорлик муаммоларининг олдини олишга эътибор қаратилди.

Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил маълумот олишди.

Дилшод ОТАБОЕВ.

ШУКРОНА

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЭМИН-ЭРКИН ЯШАЯПМИЗ»

Менинг исмим Темир. 1989 йилдан бери оила аъзоларимиз билан Ўзбекистонда яшаяпмиз. Нима деб ўйлайсиз, мен қайси миллатга мансубман?.. Йўқ, мен ўзбек ҳам, рус ҳам эмасман. Асл қирғизман ва айнан шу миллатга мансуб эканлигимдан фахрланаман, ғурурланаман.

Яқинда Интернетда эълон қилинган бир мақола мени жуда ажаблантирди. Уни ўқиб, муаллифнинг фикрига мутлақо қўшилмадим. Бундан кейин ҳам шу каби мулоҳазаларга қўшилмоқчи эмасман. Ўзбекистон ҳудудида қирғиз миллатига мансуб кишиларнинг ҳуқуқлари чекланган, деб ёзади муаллиф. Аммо менга ҳаммасидан ҳам кўпроқ таъсир қилгани шу бўлдики, муаллифнинг ёзишича, Ўзбекистонда яшаётган қирғизлар давлат муассасаларида ишлаш, масъул ва раҳбарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқларидан маҳрум эмишлар. Олий илм даргоҳларида ўқишга ҳақлари йўқмиш. Қанақасига?! Ахир буларнинг ҳаммаси алдов ва бўҳтон-ку!

Шахсан мен узоқ вақтлардан буён Тошкент шаҳридаги нуфузли тиббиёт муассасаларидан бирида ишлаяпман. Яратганга шукрки, раҳбарлар олдида, тиббий ходимлар ўртасида ўзимга яраша обрў ва ҳурматим бор. Даволаётган ўзбек, рус ва бошқа миллат вакилларидан иборат беморларим ҳам менга ҳурмат билан муносабатда бўладилар.

Табиийки, отамнинг ҳам миллати қирғиз, касби эса ҳарбий хизматчи. Ҳозир подполковник унвонидаги пенсионер. Амалдаги ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлгач, ўз қисмида шартнома асосида ишда қолди. Онамнинг миллати ҳам қирғиз. Пенсияга чиққунига қадар Ўзбекистон пойтахтидаги нуфузли мактабларидан бирида узоқ йил инглиз тилидан дарс берди. Акам (укам) ва икки опам (синглим) олий ўқув юртларини битиришган.

Мақола муаллифи Ўзбекистонда қирғизларнинг ҳуқуқлари ҳамма жабҳаларда чеклаб қўйилган деганда, нимани назарда тутган-у, қандай мақсадни кўзлагани мутлақо тушунарсиз ва муҳокама қилиб ўтиришга ҳам арзимайди. Ўзбекистондек ажойиб мамлакатда ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари қатори тенг ҳуқуқли ва эмин-эркин яшаётган менинг оилам бу фикримга яққол мисол.

Менинг қирғиз миллатига мансуб кўплаб яқинларим ва қариндошларим, шунингдек, дўстларим узоқ йиллардан буён Наманган ва Фарғона вилоятларида яшаяптилар. Ҳанузгача, шу заминдаги асосий миллат вакиллари, яъни ўзбеклар уларнинг ҳуқуқ ва шаънларига дахл қилганликлари ҳақида бирор гап эшитмадим.

Билишимча, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 250 мингга яқин қирғизлар яшаб турибди. Ҳеч иккиланмай айта оламанки, Ўзбекистоннинг қайси вилоят ёки шаҳрига борманг, қирғизларнинг ўзбек бародарлари билан тинч-тотув ва аҳил-иноқликда яшаётганларига гувоҳ бўласиз.

1992 йилда Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, Жиззах вилоятида қирғиз маданият маркази ўз фаолиятини бошлади. Кейинчалик бошқа вилоятларда ҳам шундай марказлар вужудга келди. 1995 йилда эса Ўзбекистон қирғиз маданияти маркази ташкил этилди.

Юзлаб одамларнинг умрига завол бўлган 2010 йил 10-13 июнь кунларидаги машъум воқеалар ҳеч қачон ёдимиздан ўчмаса керак. Чиндан ҳам шундай бўлганига ҳанузгача ишонолмайман. Гўё ҳаммаси тушдагидек. Менимча, бунда қандайдир "учинчи куч"нинг қўли бор. Улар азалдан икки қардош, бародар ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасига нифоқ солишга уринишган. Аммо, хайриятки улар худди 1990 йилдагидек, ёвуз ниятларига ета олмадилар. Ишончим комилки, бу икки халқ қаерда яшашмасин, доимо ўзаро тотув, аҳил-иноқ бўлишган ва бундан буён ҳам шундай бўлади.

Мен қирғизлар ва бошқа барча миллат вакиллари Ўзбекистондаги турли давлат идораларида ишлаётганлари, олий ўқув юртларига ўқишга кириб, илм олаётганларидан фахрланиб юраман. Негаки, Ўзбекистон ҳукумати мамлакат Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида шу меҳмондўст юртда яшаётган бошқа миллат вакилларининг ҳуқуқ ва қадр-қиймати сақланишига катта эътибор қаратаётир.

Темир ТОКОНОВ.

(«Белый Парус» интернет газетасидан).

АКС-САДО

БОШҚАЛАРГА ИБРАТ БЎЛСИН...

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг ҳар бир сонини оила даврасида диққат билан ўқиб чиқамиз. Бизга "Жиноятга жазо муқаррар" рукнида чоп этилаётган мақолалар, айниқса, маъқул бўлмоқда. Хусусан, газетанинг шу йил 30 март (№ 25 (12.349) сонида чоп этилган "Капалаклар учса қарайлик..." мақоласини ўқиб, очиғи дахшатга тушдим. Одам савдоси, шубҳасиз, манфур жиноят. Аммо ўз миллатдошлари ва юртдошларининг кўзига чўп суқиб, алдаб, хорижлик фаҳш бандаларига сотиш, ёш қизларнинг номусини топташ орқали "тирикчилик" ўтказаётган аёллар орамизда борлигига одамнинг ишонгиси келмайди. Аммо ҳақиқат шу, вазият шундай. Нафсга қул бўлганлар охир-оқибат эл нафратига дучор бўлиши, адолат барибир тантана қилиши кўнгилга бироз таскин беради. Бундай мақолаларни ўқиганлар ўзларига тегишли хулоса чиқарсалар, шум ниятлилар қалтис қадам босишдан тийилсалар ажаб эмас...

Зарифа ҲАМРОЕВА,
Паркент тумани, уй бекаси.

ЕТТИ ЎЛЧАБ, КЕЙИН КЕС

Ишда юзакичилик ҳеч қачон обрў келтирмайди. Аксинча, жамоатчилик ўртасида юзинг қора бўлгани, жабр-жафо келтиргани қолади.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг шу йил 23 март сонидаги "Ўзбилармонлик оқибати" сарлавҳали мақолани ўқиб беихтиёр юқоридаги фикрлар хаёлимдан ўтди. Ички ишлар идораларида хийла фурсат хизмат қилиб, масъулиятли вазифаларда бўлган бир ходимнинг ўзини уддабурон қилиб кўрсатиш учун бундай юзаки иш тутиши лол қолдирди. Наҳотки, милиция ходимига Қозоғистонга "қора дори" олиб чиқишни ўзи ташкиллаштириб, яна "жиноятчи"-ни ўзи қўлга туширган қилиб кўрсатишга уринган, хизмат бурчига хиёнат қилиш шунчалик осон бўлса?!

Ҳеч шубҳасиз, бу ўринда гап фақат маънавий-ахлоқий тарбияда. Газетада ёзилган воқеалар ҳуқуқ-тартибот ходимларида хизмат вазифасига садоқатни тарбиялашдаги айрим қусурлардан далолат, холос. Уларни бартараф этиш, ҳар бир хизматчининг пухта интизом, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига оғишмай амал қилиши ниҳоятда муҳим. Фақат шундагина мамлакатимизда қонун устуворлиги таъминланади, айрим нособит хизматчиларнинг жиноят йўлига енгилгина кириб кетишлари барҳам топади. Ўйлайманки, газетанинг бундай чиқишлари муаммони бартараф этишда давлат идораларига амалий ёрдам бўлди.

Ҳошимжон РАҲМАТОВ,
Зангиота тумани,
Эшонгузар шаҳарчаси,
меҳнат фахрийси.

Буюк бобокалонимиз, улуғ давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 675 йиллиги туманимизда ҳам кенг нишонланди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан ўқув муассасаларида "Амир Темур – буюк саркарда" мавзуларида илмий-маънавий давра суҳбатлари ўтказилди.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САБОҒИ

Жумладан, 53-умумтаълим мактабида анъанага айланган шундай тадбирда 2-синф ўқувчиларига Амир Темур бобомизнинг байроғи рангида бўлган мусаффолик ва тинчликни билдирувчи бўйинбоғлар тақилди. Юртбошимиз айтганидек, "Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир".

Зилола АНОРБОЕВА,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон туман кенгаши бош мутахассиси.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

XXI аср ва дунё

ҚАРОҚЧИЛАР БОШЛИҒИ ҲИБСДА

АҚШ Федерал қидирув бюроси (ФҚБ) Американинг "Квест" яхтасини эгаллаб олган ва унинг жамоасини ўлдирган қароқчилар тўдаси бошлиғи Сомалида ушланиб, АҚШга келтирилгани ҳақида хабар тарқатди.

АҚШ ҳарбий хизматчилари 50 ёшли Муҳаммад Сааили Шибинни ФҚБ ёрдамида 4 апрелда қўлга олганди. Бироқ, Виржиния штатидаги Норфолк суди мажлисига қадар бу ҳақдаги ахборот сир сақланди. 13 апрелда бўлиб ўтган суд мажлисида Шибин қароқчилик ва одам ўғирлашда айбланди. ФҚБ тахминича, Сааили "Квест"ни қўлга олган қароқчиларга бош бўлган ва ўғирланган яхтага қўвиб етган америкалик денгизчилар билан музокара олиб борган.

АҚШда Муҳаммад Шибин устидан суд жараёни тарихий воқеа деб баҳоланмоқда. Чунки, америкаликлар шундай машҳур қароқчини биринчи марта қўлга тушириб, судга топширдилар.

Ушбу босқинчиликда қатнашган 13 сомалилик ва бир яманлик қароқчини ҳам Норфолкда суд жараёни кутмоқда. Фақат қароқчиликларининг ўзи уларни бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинишлари учун етарлидир.

"Квест" 22 февралда Уммон мамлакати қирғоқларида қўлга олинганди. Қароқчилар ҳарбийлар билан музокара жараёнида яхта бортида бўлган икки кекса одамни ҳеч қандай огоҳлантиришсиз отиб ташлашди. Бунга жавобан ХДК махсус хизмати яхтани штурм билан эгаллади.

УЧ КИШИ ҲАЛОКАТ ҚУРБОНИ БЎЛДИ

Исроил Ҳарбий ҳаво кучлари маҳаллий базаси ҳудудида у қадар катта бўлмаган фуқаро самолёти ҳалокатга учради. Associated Press хабарида айтилишича, самолёт бортида бўлган уч киши ҳаётдан кўз юмди.

The Jerusalem Post газетаси маълумотларига қараганда, самолёт қўна бошлаган пайтда двигатели портлаб кетиб, учувчи бошқарувни йўқотган ва яқин атрофдаги бинолардан бирига бориб урилган. "Гаарец" хабарига кўра эса, самолёт ҳавога кўтарилаётганда портлаб кетиб, ХҲК базаси ҳудудида ерга қулаб тушган.

Ҳалокат сабабларига ҳали аниқлик киритилгани йўқ.

Исроил оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, бу мамлакатда кейинги пайтда юз берган иккинчи авиаҳалокатдир. Март ойида Cessna-172 самолёти двигатели ишламай қолганлиги сабабли ерга қулаганди. Ушанда икки киши ҳалок бўлганди.

КРЕДИТ – МАҲАЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

БРИКС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка) мамлакатлари давлат тараққиёт молия институтлари ҳамкориги тўғрисидаги баённомани имзолади.

"Интерфакс"нинг ёзишича, бу ҳужжат ўзаро кредитлаш учун миллий валюталардан фойдаланиш сари қўйилган биринчи амалий қадам бўлди. Ҳозир БРИКС мамлакатлари миллий валюталарини долларга айлантириб шартномалар тузишга мажбурлар. Ривожланаётган йирик мамлакатлар ҳукматлари ўз валюталари нуфузини ошириш ва улардан халқаро савдода фойдаланишни исташларини бир неча бор таъкидлаган эдилар.

Россия Ташқи иқтисодий алоқалар банки раҳбари Владимир Дмитриевнинг гапига қараганда, баённома тор хусусиятга эга бўлсада, валюталарни ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради. Президент Дмитрий Медведев ҳам миллий валюталардан фойдаланишни маъқуллади.

Ривожланаётган энг йирик мамлакатларга нисбатан қўлланилган БРИКС қисқартма номга шунчалик кўникиб кетилдики, унга қўшилган мамлакатлар қўшма саммитлар ўтказа бошладилар. 2010 йил ўрталарига келиб Жанубий Африка ҳам БРИКСга қўшилди. Ҳозир Хитойда БРИКСнинг биринчи саммити бўлиб ўтаяпти. Унда ЖАР вакиллари ҳам иштирок этишяпти.

ФУКУСИМАДА РАДИАЦИЯ ЎТА ЮҚОРИ

Зилзила туфайли авария юз берган "Фукусима-1" АЭСи тўртинчи реакторининг айрим ёнилғи стерженлари шикастланган. "Киодо" агентлиги станциянинг компания-оператори Терсо берган маълумотига таяниб шу хабарни тарқатди.

Тўртинчи реактор ҳонасидан текшириш учун олинган сув таркибида радиоактив йод миқдори жуда юқори эканлиги аниқланди. Япония ядро хавфсизлик агентлиги радиоактив моддалар меъёрдагидан 100 минг баравар юқори эканлигини тасдиқлади.

Ер силкинишлари чоғида тўртинчи энергоблокдаги реактор режадаги текширув учун ёпиб қўйилганди. Қаттиқ қизиб кетганлиги оқибатида фойдаланилган 548 та стержен шикастланган. Сабаби – зилзила ва цунами келтириб чиқарган водород портлаши оқибатида реактор ҳавзасидаги сув сатҳи пасайиб кетган.

Япония ҳукумати "Фукусима-1"даги хавф даражасини энг юқори меъёрга кўтарди. Ҳозир АЭСдаги ҳолатни халқаро INES хавф шкаласи етти балл деб баҳоламоқда.

ПОЛИЦИЯ ШУБҲА ОСТИДА

Дубай араб амирлиги полициясининг ходимлари мамлакатга дам олиш учун келган британияликни ўлдирганликда гумон қилинаяпти. Маҳаллий 7 Days газетаси Буюк Британиянинг Дубайдаги элчихонаси маълумотига суяниб шу хабарни тарқатди.

Газетанинг ёзишича, 39 ёшли Ли Брэдли Браун 11 апрелда вафот этган. Ундан олдин полиция участкаси ходимлари уни калтаклашган, деб ёзади The Daily Mail газетаси.

Маълум қилинишича, у айрим шахсларга таҳдид қилган ва қўпол сўзлар билан сўкинган. Бундан ташқари, одамга ҳужум қилганлик айби қўйилмоқда.

Дипломатия ходимлари юз берган воқеани синчковлик билан текширишни ваъда қилишди. Дубай полициясида ҳам тергов олиб борилади. Полиция вакиллари Браун ўлганлигини эътироф этишди, бироқ бу қандай юз бергани ҳақида ҳеч нарса дейишмади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани "Арғин савдо" корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 04.02.2011 йилдаги № 820-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва дав. бел. номаълум бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 175 255 сўм. 2. 04.02.2011 йилдаги № 814-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва дав.бел. номаълум бўлган "УАЗ 469" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 763 076 сўм. 3. 20.08.2010 йилдаги № 7434-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва дав.бел. номаълум бўлган "Т-28 Х4МС101" русумли трактор воситаси, бош. нархи – 5 045 640 сўм. 4. 20.08.2010 йилдаги № 7434-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва дав.бел. номаълум бўлган "2 ПТС 4793 А" русумли трактор воситаси, бош. нархи – 1 664 400 сўм. Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан 03.03.2011 йилдаги 4142-сон ижро ҳужжатига асосан, Зангиота тумани "Матлубот Инвест" омборхонасида сақланаётган, 1999 йилда и/ч., дав. бел. 70 М 821 АА бўлган "Нексия" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 8 904 607 сўм.

Аукцион савдосига Паркент тумани СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда: 1. 18.10.2010 йилдаги № 1-8504-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, Бешкапа маҳалласи, О. Юнусов кўчасида жойлашган, 85,67 кв.м.ли, 4 хонали, ум. ер майдони 690 кв.м.дан иборат бўлган 27-уй жой (ҳовли) қўйилмоқда, бош. нархи – 41 232 000 сўм. 2. 18.01.2011 йилдаги № 11-1030/25354-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Ёшлик" қўрғонида жойлашган, фойдаланиш майдони 6,0277 кв.м, 186 кв.м, қушхона, 27,25 кв.дан иборат бўлган бино ва иншоотлар қўйилмоқда, бош. нархи – 39 743 700 сўм. 3.06.01.2011 йилдаги № 1-90/11-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, Бўрсилик маҳалласи, Самарабод кўчаси, 33-уйда жойлашган, умумий майдони 279,98 кв.дан иборат бўлган бино қўйилмоқда, бош. нархи – 38 000 000 сўм. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 11.02.2010 йилдаги № 658/2010-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчасида жойлашган, фойдали майдони 93,85 кв.м, яшаш майдони 58.26 кв.м.дан иборат бўлган 4 хонали 9-уй, 116-хонадон уй-жой қўйилмоқда, бош. нархи – 56 250 000 сўм. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан 29.10.2010 йилдаги № 1-6235/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа массивида жойлашган, фойдаланиш майдони 79,83 кв.м., яшаш майдони 47.01 кв.м.дан иборат бўлган 2 хонали 15-уй, 30 ва 31-хонадонлар уй-жой қўйилмоқда, бош. нархи – 69 000 000 сўм. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан 26.10.2010 йилдаги № 1-6066/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Тараққиёт 4-даҳа кўчасида жойлашган, яшаш майдони 73,34 кв.м.дан иборат бўлган 4 хонали 4-уй (хонадон) қўйилмоқда, бош. нархи – 50 000 000 сўм. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 11.02.2011 йилдаги №2884-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 ВІ 429 бўлган "Ваз 21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 269 498 сўм. 2. 01.03.2011 йилдаги № 4203-сон ижро ҳужжат. асосан, 2006 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 В 9994 бўлган "Хундай Туксон" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 41 500 000 сўм. 3. 11.02.2011 йилдаги №2885-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 А 903 ЕА бўлган "Нексия Д 150" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 20 516 199 сўм. 4. 01.03.2011 йилдаги № 4200-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 20 F 403 АА бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 33 935 162 сўм. 5. 18.02.2011 йилдаги № 3454-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 R 4000 бўлган "Мерседес бенц 250" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 784 507 сўм. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 28.02.2011 йилдаги 3471/18-сон ижро ҳужжатига асосан, Жарариқ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав.бел. 01 S 823 GA бўлган "Матиз" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 9 077 058 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 04.05.2006 йилдаги 10-0610/2010-сон ижро ҳужжатига асосан, Яккасарой тумани ободонлаштириш бошқармасида сақланаётган, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 10 АР 283 бўлган "Нексия" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 8 645 248 сўм. Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 25.01.2011 йилдаги 2-254/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар ИИББ ахборот марказида сақланаётган, 2003 йилда и/ч., дав.бел. 10 В 260 ВА бўлган "Матиз" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.-нархи – 8 540 520 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 15.03.2011 йилдаги 1-541/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани ИИБда сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 30 Н 702 АА бўлган "Нексия Донс" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 15 946 500 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 19 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 9 июнь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 5 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 09.11.2010 йилдаги № 14150/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 BG 453 бўлган "Лада 21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 437 000 сўм. 2. 08.07.2010 йилдаги № 12057/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 F 3897 бўлган "Газ-2410" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 495 000 сўм. 3. 05.10.2010 йилдаги № 11742/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1987 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 В 0252 бўлган "Ваз 21063" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 335 000 сўм. 4. 12.10.2010 йилдаги № 12194/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2006 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 Q 530 АА бўлган "Ваз-21070-120-21" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 994 000 сўм. 5. 04.11.2010 йилдаги № 13812/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 W 622 ВА бўлган "Ваз-2108" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 986 100 сўм. 6. 14.01.2011 йилдаги № 429/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 І 58-95 бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 246 000 сўм. 7. 04.11.2010 йилдаги № 435/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1998 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 К 17-39 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 397 000 сўм. 8. 07.11.2010 йилдаги № 14144/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2005 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Z 1501 бўлган "RANGE ROVER" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 189 670 500 сўм. 9. 06.04.2010 йилдаги № 3660/24-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Q 32-93 бўлган "Газ 2417" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 922 500 сўм. 10. 08.09.2009 йилдаги № 10880/11-сон ижро ҳужжат. асосан, 1982 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 В 1963 бўлган "Маз 35334" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 36 573 000 сўм. 11. 30.12.2006 йилдаги № 13738/4-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 55-99 ЕР бўлган "МОАЗ-546-П" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 025 000 сўм. 12. 23.10.2009 йилдаги № 10658/14-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Т 99-17 бўлган "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 690 300 сўм. 13. 13.04.2010 йилдаги № 3873/18-сон ижро ҳужжат. асосан, 1976 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 С 518 DA бўлган "Ваз-2103" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 120 500 сўм. 14. 06.04.2010 йилдаги № 3660/24-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Q 32-93 бўлган "Газ 2417" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 922 500 сўм. 15. 08.06.2009 йилдаги № 6573/14-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 19 А 722 бўлган "Алкан-13" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 356 380 сўм. 16. 27.04.2009 йилдаги № 4924/14-сон ижро ҳужжат. асосан, 12 номдаги теларини қайта ишловчи ускуналар, бош. нархи – 1 800 000 сўм.

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уй "Шарқли Мелиса" жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 10.09.2008 йилдаги № 1-562/08-сон ижро варақасига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 30 Р 06-14 бўлган "ВАЗ-2106" русумли автотраспорт воситаси, бош. нархи – 3 015 585 сўм. 2. 05.12.2009 йилдаги № 1-900/09-сон ижро варақасига асосан, 1983 йилда и/ч., дав.бел. 30 С 61-42 бўлган "М-412" русумли автотраспорт воситаси, бош. нархи – 317 525 сўм. 3. 26.09.2010 йилдаги № 1-504/09-сон ижро варақасига асосан, 1988 йилда и/ч., дав.бел. 10 АZ 071 бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 18 578 925 сўм. 4. 30.04.2009 йилдаги № 1-327/09-сон ижро варақасига асосан, 1987 йилда и/ч., дав.бел. 30 G 50-81 бўлган "Ваз-2106" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 215 964 сўм. 5. 21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан, Файзиобод ТИФ божхона омборида сақланаётган, 1999 йилда и/ч., дав.белгисиз бўлган "Тойота РАВ-4" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 19 634 088 сўм 6. 31.07.2007 йилдаги № 1-364-09-сон ижро варақасига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 10 К 86-14 бўлган "ВАЗ-21033" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 194 188 сўм 7. 14.05.2008 йилдаги № 1-197-08-сон ижро варақасига асосан, 1986 йилда и/ч., дав.бел. 10 J 47-22 бўлган, "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 573 956 сўм. 8. 07.10.2009 йилдаги № 1-395/09-сон ижро варақасига асосан, 1987 йилда и/ч., дав.бел. 17 М 53-25 бўлган "Камаз 5320" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 872 286 сўм. 9. 23.02.2007 йилдаги № 1-88-07-сон ижро варақасига асосан, 2000 йилда и/ч., дав.бел. 10 AS 994 бўлган "Мерседес бенц 609" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 103 772 сўм. 10. 23.02.2007 йилдаги № 1-88-07-сон ижро варақасига асосан, 1990 йилда и/ч., дав.бел. 10 AW 154 бўлган "Мерседес бенц 609" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 905 529 сўм. 11. 29.12.2008 йилдаги № 1-765-08-сон ижро варақасига асосан, 1989 йилда и/ч., дав.бел. 30 І 89 85 бўлган "Маз 54322" русумли автотранспорт ва 1989 йилда и/ч., дав. бел. 10 С 364 бўлган "Маз 9397" тиркама воситалари бош. нархи – 16 491 423 сўм. 12. 23.02.2007 йилдаги № 1-88-07-сон ижро варақасига асосан, 1996 йилда и/ч., дав.бел. 10 Y 878 бўлган "Фиат Темпра" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 042 281 сўм. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 04.03.2010 йилдаги 2-036-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Иззат кўчасида жойлашган, ум. ер майдони 450 кв.м. бўлган 6 та яшаш хонасидан иборат 34-уй (хонадон) қўйилмоқда, бош. нархи – 76 627 151 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 13.10.2010 йилдаги № 22267/25-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа кўчасида жойлашган 4 та яшаш хонасидан иборат, жами 82,96 кв.м. бўлган 14-А уй, 71-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош. нархи – 51 000 000 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 06.07.2009 йилдаги 100906/7664-сон ижро ҳужжатига асосан, Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, Д-20, 46-уйда сақланаётган 1995 йилда и/ч., дав.бел. 10 АТ 910 бўлган "Газ3102951" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 2 367 906 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 30.04.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан, Учтепа тумани, Ҳалқа йўли кўчаси, 20-уйда сақланаётган, 1990 йилда и/ч., дав. бел. 10 AR 388 бўлган "Камаз 5320" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 6 100 649 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 № 000003.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ (КЕЙИНГИ ЎРИНЛАРДА СУД ДЕПАРТАМЕНТИ)НИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН МОЛ-МУЛКНИ СОТИШ УЧУН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ (ЮРИДИК ШАХСЛАР)НИ ОЧИҚ ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Умумий шартлар:

Танлов ташкилотчиси – Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш;

танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй) 2011 йил 16 апрелдан ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади.

1) 2011 йил 23 май куни соат 15.00 дан 18.00 гача –

Ангрен шаҳри, Оҳангарон шаҳри, Оҳангарон тумани, Олмалиқ шаҳри, Юқоричирчиқ тумани, Ўртачирчиқ тумани ва Паркент туманлари бўйича.

2) 2011 йил 24 май куни соат 15.00 дан 18.00 гача –

Бекобод тумани, Бекобод шаҳри, Бўка тумани, Пискент тумани, Қуйичирчиқ тумани, Оққўрғон ва Чиноз туманлари бўйича.

3) 2011 йил 25 май куни соат 15.00 дан 18.00 гача –

Чирчиқ шаҳри, Қибрай тумани, Бўстонлиқ тумани, Янгийўл шаҳри, Янгийўл тумани, Зангиота туман ва Тошкент туманлари бўйича танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шахобчаси, назорат-касса машинаси ва терминаллар мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар:

– қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;

– олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;

– охирги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:

– истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);

– мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;

– мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;

– мавжуд яроқли техникаси;

– ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;

– кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

– Комиссия номига ариза;

– давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

– савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

– савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йил учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;

– савдо ташкилотида назорат-касса машинаси ва терминалларнинг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;

– савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўринишлари, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);

– мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 ҳажмдаги рангли фотосуратлар (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

– савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;

– талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

– талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;

– кўрсатилган хизмат учун чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса, унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби:

Ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй, тел.: 263-50-65. Комиссия ишчи органи – ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан 2011 йил 16 май кунига қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкларни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловга" деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш Комиссияси.

Утерянную справку, выданную Сергелийским БТИ в 19.08.2009 г. на продажу квартиры по адресу: Сергели-7, дом 27, кв. 19 на имя Муминова Абдужалила Халиловича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "SIMVOL TLB" (ИНН 301012695) сообщает об уменьшении уставного фонда с 40 350 000 сумов до 35 000 000 сумов.

Все претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский район, ул. Дурмон йули, дом 31-А.

Утерянную вспомогательную печать ООО "AR-AGENCE" Хамзинского района для таможенных деклараций, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Чилонзор тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган (СТИР 301367665) "SVETLANA MECHTA" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси жамоаси инспекция бош мутахассиси Улуғбек Аброровга акаси **Фарҳоджон АБРОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР

ШУБҲА

Куппа-кундуз куни кўрпача йўқолди.

– Тавба, ким олиши мумкин? – қайта-қайта ўзига савол берарди Озода опа.

Қизи ишдан келгач, ҳаммаси аён бўлди.

– Кеча қўшнимиз Ҳамида хола йиғин қилаётганларида сўровдилар, бериб юбордим, – деди Нилуфар бамайлихотир.

– Шуни бир оғиз айтиб қўйсанг бўларди-ку, – деди Озода опа.

Шундай дедию, кейин ачинди. Унда нима айб? Кейин қовоғини солиб юрган қизини юпатган бўлди.

Ғалва Кабир ака ишдан келганидан кейин бошланди.

– Тахмондаги қизил духоба кўрпача қани?! – бақирди у хонада туриб.

Бу дағдаға Озода опани эсанкиратиб қўйди. Шунча йил турмуш қуриб, бундай нарсаларга аралашганини эслолмасди.

– Сизга нима бўлди, дадаси? Ишда бирор кор-ҳол бўлдими?

Қараса, Кабир аканинг ранги ўчган, стулда беҳолгина ўтирибди.

– Ўтган куни ишдан келсам, уйда йўқ экансан. Хориж сафарида асқотар деб, озроқ пулни "кўкартириб", шу кўрпача қатига тиқиб қўйгандим, – деди оғир "ух" тортиб.

Бу гапни эшитиб, Озода опа ҳам талмовсираб қолди. Бўшашганича:

– Ҳамида опа сўраб чиққанларида қизингиз бериб юборибди, дадаси. У ҳам қайдан билсин. Агар пул топилганида, олиб чиқиб бериш арди.

– Гапинг тўғри, хотин, шунча йиллик қўшнимиз-а...

– Қанча эди, дадаси?

– Икки юз доллар, – бўшашибгина жавоб берди эр.

Пулнинг салмоғини эшитиб, Озода опани яна шубҳа домига олди.

– Ҳай, майли, Худо бошқа томондан берсин, – деди бўшашиб хотин. – Лекин кичкина пулмас-да. Мабодо ҳозир чиқиб сўрасак, тонса керак.

Кабир ака яна елка қисди. Шу вақт Нилуфар кириб қолди. Озода опа эрига маъноли қараб қўйди-да, қизига:

– Тез чиққин-да, кечаги кўрпачангни олиб кел. Қатидан ҳеч нима чиқмадими, деб албатта сўрагин, – деди.

Нилуфар қўшниникига чиқиб кетди. Эр-хотин мўлтайганларича ўтиришарди. Кўп ўтмай, Нилуфар кўрпачани кўтариб чиқди.

– Чиқмабди, ойи, – деди ҳеч нимани тушунмаган Нилуфар.

Эр-хотин бир-бирларига бакрайганча қараб қолишди. Кейин Озода опа кўрпачани қоқди. Шу пайт гиламга ўроғлиқ нарса тушди.

– Пешона тери эвазига келган нарсани Яратганнинг ўзи асрайди, – деди хотин уни оларкан. – Қўшнимизнинг бундай иш қилишига сира ақлим бовар қилмаганди. Кўрпачанинг қатида экан, улар ҳам эътибор беришмаган-да. Нима дедингиз?

Кабир аканинг кўнгли жойига тушди. Шубҳа кўтарилди, эр-хотин ҳовлидаги сўрида кечки чойхўрликни бошлашди.

Неъмат РАФИҚОВ.

ҲУНАРЛИНИНГ ИШИ УНАР

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, улар учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш устувор вазифага айланган. Хусусан, Бўка туманидаги ўқувчилар техник ижодиёт марказида бу масалага жиддий эътибор қаратилянти.

Ташкилотда бошланғич техник моделлаштириш, ёш конструкторлар, амалий тасвир ва бошқа 28 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда.

– Ўз қизиқишларига мос ҳолда 98 бола билимини оширмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз фарзандларимиз дунёқараши, онгу-шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабатини тўғри шакллантириш, келажакка ишончини ошириш, – дейди марказ раҳбари Фотима Умарова.

Шу билан бирга туманда Бадиий ижодиёт маркази ҳам мавжуд. Унда маънавий-маърифий, маиший хизмат, бадиий-услубий йўналишларда 32 та тўгарак иш юритмоқда.

Ҳар бир инсон ўз салоҳиятини керакли касб-ҳунарга йўналтирса, меҳнат ва интилиш орқали юксак чўққиларга эришиши шубҳасиз.

– Бугунги кунда ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар айнан бекорчи вақтнинг кўплигидан келиб чиқмоқда, – дейди Гулбаҳор Мирзаева. – Менинг фарзандим эса бўш вақтдан унумли фойдаланиб, дарсдан сўнг тўгаракларга қатнаётганидан мамнунман.

Зулфия ҲУСАНОВА.

СУРАТДА: ўқув машғулотидан лавҳа.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ОДАМ САВДОСИ

ДАЛЛОЛНИНГ ЮГУРГАНИ...

Глобаллашув жараёнининг ўзига хос акс таъсир этувчи омиллардан ҳоли эмаслигини ҳозирги куннинг долзарб муаммосига айланган "Одам савдоси" билан изоҳлаш мумкин. Бу иллат туфайли қанча-қанча ёшлару қиз-жувонларнинг ҳаёти заҳарланганини инкор этиб бўлмайди.

Республика маънавият ва маърифат кенгаши миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази мутахассиси Илёс Қувондиқовнинг "Одам савдосини энди тўла яшириб ҳам, бир кунда тугатиб ҳам бўлмайди..." дея куюниб айтган сўзлари бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, одам савдосини уюштираётган ва ташкилотчилик қилаётганларга нисбатан қатъий чоралар кўриш вақти келди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги"ги Қарорига кўра 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий режа тасдиқланди. Режа ижроси асосида фош этилган жиноятчи – даллоллар ҳақида матбуотда қатор чиқишлар, мақолалар эълон қилинмоқда. Аммо, бу жиноят гўё зарпечакдек узилган жойидан яна униб чиқаётгани муаммо фақат жабр кўрганларгагина эмас, балки уларнинг ён-атрофидаги одамларга ҳам боғлиқ. Агар бу иллатни таг-томири билан қуритмоқчи бўлсак, шу жиҳатга ҳам эътибор бериш керак бўлади. Акс ҳолда қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз воқеа қаҳрамонлари каби содда-муғомбир саёҳатчи-фоҳишалар, эрки-ю, ҳақини даллолларга топшириб қўйган жабрдийдалар кўпаяверади.

Мақсуда Асқарова асли Фарғонадан. Учкўприк туманидаги Жийда қишлоғида туғилиб ўсган. Оилали, тўрт фарзанди ҳам бор. Аммо, ўзи бадном қилган қизу жувонларни фарзандлари ўрнига қўйиб кўрмаган бўлса керак. Акс ҳолда уларга бу тарзда бераҳмлик қилмаган, йўлдан тойдирмаган бўларди. Бу даллол аёл уволига қолган қиз-жувонлар оз эмас. Шаҳло, Шаҳноза, Нозима ва бошқалар. Аммо, қўлга тушганининг сабабчиси айнан шу уч қиз бўлди. Ахир касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади-да! Ҳушёр ИИБ ходимлари ҳеч қандай ҳужжатсиз турли ноқонуний йўллар билан четга чиқишга ҳаракат қилаётган Баҳорой, Мадина каби сохта исмли аёлларни пайқамаслиги мумкин эмасди. Аммо, биринчи марта уларга чап бериб, олиб ўтган даллол, қизларни фоҳишаликка мажбур этган, акс ҳолда паспортларини қайтариб бермаслиги, шу ерда умрбод қолиб, фоҳишалик билан шуғулланишини айтиб, қўрқитган эди.

У билан кетганлар меҳмонхона ва саунада хизмат қилаётгани, ойига фалон доллардан маош олаётгани ҳақидаги эртаклари билан яна қанча қизларнинг бошини айлантиргани бизга қоронғу. Лекин, жабрдийдаларнинг яқинлари, ота-оналари "фирибгарга ишониб, жигарбандларини қандай қилиб жўнатиб юборишганини билмай қолишгани" ҳам кўпчиликни ажаблантиради, албатта. Бу ҳақда Шаҳнозанинг онаси шундай дейди:

– Қизим Шаҳнозани Маҳсуда Асқарова "Қозоғистонда кафеда официант бўлиб ишлайди. Маоши фалон сўм бўлади", – деб олиб кетган эди. Апрелнинг охирида қизим бир аҳволда кириб келди. Уни бошқаларга сотиб юборибди, ўзи қайтиб келган экан. У ерда қизимни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлашибди...

Қизининг хор-зор бўлиб, ҳеч вақосиз, ҳужжатсиз қайтиб келиши она учун оғир қайғу. Бу иснодга ҳамма ҳам чидайвермайди. Лекин иллатнинг илдизи аслида ҳам оиладан бошланмаяптимикан?! Бу алдовларга ишонишга ким мажбур этди онани! Одам савдоси нафақат аёллар, қизларимиз, балки эркаклар, йигитларимизни ҳам аянчли ҳолатга солиб қўяётгани ҳеч кимга сир эмас-ку! "Ўзингга эҳтиёт бўл..." деган нақл бежиз айтилмаган.

Тўғри, одам савдосидек мудҳиш жиноятни содир этган фирибгар, даллол Мақсуда Асқарова ўз жазосини олди. Беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Аммо, бу билан қалбию вужуди фоҳишалик, бадномлик гирдобидан азоб тортаётганларнинг кемтик ҳаётини аввалги изига солиб бўлармикан? Бу нафақат бойлик ва дунё дардидаги одамларга, балки жамиятга, халққа нисбатан хиёнат эмасми?!

Алломаларимизнинг шундай сўзлари бор: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади. Ҳамма нарсанинг бир кун келиб қайтмоғи, ҳар ишнинг жавоби бор. Яхшилик – савоб, алдов – хиёнат. Яхшиликни соғиниб яшайлик, шунда хиёнатга ўрин қолмайди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи томонидан 2007 йилда Юлдашев Зухритдин Шамсундинович номига берилган К № 777696 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Адлия бошқармасида 2006 йил 26 декабрдаги 72-сонли баёни асосида рўйхатдан ўтган "GRAND TRADE SYSTEMS" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси (ИНН 300098954, ОКПО 21410110) ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ.**

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида +998909997797 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 1989 йилда Махмудова Хуршида Халиловна номига берилган УВ-I № 041250 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яккасарой туман ҳокимлиги томонидан 2001 йил 28 июлда Яккасарой туман халқ таълими бўлими номига берилган рўйхат рақами № 11024683 корхоналарни рўйхатга олиш бошқармаси филиали номи тўғрисидаги FN № 033340-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянные учредительские документы Г.Т.Д., "AIHAO PLASTIC PLUS" (ИНН 301814274) на оборудование по изготовлению ручек, круглую печать, угловой штамп и гувохному за реестр. № 006602-08, выданный 26 января 2011 года,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Бектемир туманида 2010 йил 22 июлда 000911-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "STANDART ACTIVE" (СТИР 301664637, КТУТ 23333425) хусусий корхонаси 2011 йил 14 апрелдаги 1-сонли буйруғига асосан **ТУГАТИЛАДИ**.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда Бектемир тумани, Юқоричирчиқ кўчаси, 35-уй, 9-хонадон манзилида қабул қилинади.

МАЪНАВИЯТ

ХУЛОСАЛАР ОҚИЛОНА БЎЛАРМИКАН?

Унаштирув маросимлари ўтиб, тўй куни белгиланганидан сўнг йигит қизга шарт қўйди: "Тўйдан кейин уйдан кўчага берухсат чиқмайсиз, ишламайсиз, ўқиган бўлсангиз ҳам ишга боришга рухсат бермайман. Энг муҳими эса, тўйга қадар қонун-қоидаларимиз асосида ҳижобга кирасиз. Бегонанинг кўзи тушмасин".

Қиз томон йигит қўйган шартларни бажара олмасликлари, орзу-ҳаваслар билан қизни олий илмгоҳда ўқитганликларини айтиб, тўйни тўхтатишди. "Юртнинг гап-сўзлари, йигит томоннинг маломатларига чидаш мумкин, – деди қизнинг отаси, – турмушга чиқиб бахтсиз бўлгандан кўра, шуниси маъқулроқ".

Баъзан у ёки бу қоидани бузиб қўйган йигит-қизларни оқлаш, уларнинг хатти-ҳаракатларини хаспўшлаш учун "Ҳа, энди ёшда, ғўрлик орқасидаги қилғилиги нимага олиб келишини яхши тушунмаган" деймиз.

Лекин бу йил жиноят ишлари бўйича туман суди кўриб чиққан ишнинг "қаҳрамон"ларини қайсидир маънода ёш дейиш мумкиндир-у, аммо уларни ғўр, тажрибасиз дейишга истиҳола қилади, киши. Мана, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг. С. Деҳқонов, М. Тўрахўжаев, Ж. Аҳмедов, С. Иномов, Ж. Эшматовни ёш десангиз, Шавкат Эрматов тўрт боланинг отаси, бу йил 34 ёшга тўлади. Унинг ҳамкишлоғи ғазалкентлик Бахтиёр Қаҳҳоров бу йил чорак асрлик ёшини нишонлайди.

Энди эса тоғни урса талқон қиладиган, бировдан маслаҳат олишга муҳтожлиги бу йигитларни нима бирлаштирди-ю, охир-оқибат жиноятчилар курсисига нима олиб келди, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.

Сиртдан қараганда, бунинг учун ортиқча уринишга ҳожат йўқдек туюлади. Зеро, йигитлар ислом дини қоидаларини чуқурроқ ўрганиш, Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифни яхшироқ ўзлаштириш истагида бўлганлар, деб ўйлаш мумкин. Чунки, уларнинг ёши каттароғи Шавкат Эрматов диний адабиётдан анча хабардор бўлса, 2010 йилнинг июль ойидан Ғазалкент қишлоғидаги "Олимжон ота" масжидига имом-хатиб қилиб тайинланган Соҳибжон Деҳқонов олий маълумотга эга, 2006 йили Тошкент шаҳридаги Ислом университетини тугаллаган эди. Асли Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги "Соҳибжон" фермер хўжалигидан бўлган Соҳибжон агар Ислом университетида олган назарий билимларини масжид қавми орасида тўғри тарғиб қилиб, ҳақиқий мусулмон бўлиб қолганида, яна имонини пок сақлаб, ёшларни маърифатга, илм ва ҳунар ўрганишга, эзгу савоб ишлари билан танишишга, ростгўйликка, эзгуликка 130 йиллик курашлардан сўнг эришилган меҳнаткашу заҳматкаш халқимизга тилию дини, миллий ғурурию сиёсий эркинлигини қайтариб берган истиқлолни авайлаб-асрашга, юртимиздаги тинчлигу хотиржамликни қадрлашга даъват этганида-ку, нур устига нур бўларди. Бироқ, ислом сўзининг маъноларидан бири тинчлик эканлигини унутиб қўйган Соҳибжон унинг мусофирлигини бирдармаслик, далда бўлиш учун у вақтинча яшаб турган масжидга оқшомлари келиб турган, ҳали дунёқарашлари шакланиб улгурмаган йигитчаларга Қуръон оятларию никоҳ, талоқ шартларидан кўра бошқа мавзуларда кўпроқ суҳбатлар олиб бора бошлади. Бу мулоқотларда унинг Ғазалкентга келиб орттирган биринчи таниши Шавкат Эрматов, Бахтиёр Қаҳҳоров, Жасур Аҳмедов ҳам албатта, қатнашишарди. Бундай гурунглардан бир-иккитасида тасодифан гувоҳ бўлиб қолган масжид мутаваллиси Тилаб ака суҳбат мавзуи "ҳижратга чиқиш", "жиҳод қилиш", "халифаликни тиклаш", "аёлларни ҳижобга киритиш" каби масалалар атрофида кечаётганлигидан норози бўлиб, имомдан ва унинг даврадошларидан масжиднинг табаррук меҳробини бўшатиб қўйишларини талаб қилади. Ўзаро жанжаллар пайтида Тилаб ака шу йигитларга масжид калитини жаҳл билан ташлаб ҳам кетади. Бироқ, яна ўз масъулиятини англаган ҳолда бориб, калитни қайтариб олади. С. Деҳқонов масжиддан чиқиб кетгач, Бахтиёр Қаҳҳоровнинг Ғазалкент шаҳридаги уйидан бошпана топади. Бахтиёр уйини сотгандан сўнг Ғазалкент қишлоғидаги Умида исмли аёлнинг уйига кўчиб ўтганидан кейин ҳам унинг атрофига бириккан диний гуруҳ ўз ноқонуний фаолиятини тўхтатгани йўқ. Бунинг устига олдин келаётган йигитлар қаторига бошқалари ҳам қўшилди. Синфдошлар С. Деҳқоновни ўзлари вақти-вақтида уюштириб турадиган жума "гап"ларига таклиф қилишганида ҳам у жон деб рози бўлди. Чунки, бу Соҳибжоннинг ғаразли ниятларини тарғиб қилиш учун қулай имконият эди ва у бундан усталик билан фойдаланди.

Ана шундай "гап"лардан бирига эса йигитлар Шавкат домлани ҳам чақиришди. Ўтириш қизиган пайтда Бахтиёр Қаҳҳоров янги ноутбук олганини айтади. Ш. Эрматов эса ёнидан флешка чиқариб, уни ноутбукка улайди. Агар флешкада концерт дастурлари, кўнгилочар ҳангомалару қизиқарли саҳналар тасвири бор эди деб ўйлаган бўлсангиз, янглишдингиз. Унда намоз ҳақида маърузалар, дин билан сиёсатни қўшиб олиб боришга интиладиган, кўплаб одамларнинг онгини бўлмағур ғоялар билан заҳарлаган Обид қорининг янги маърузалари ёзилган эди. Лекин бу номақбул иш Яратганнинг ўзига ҳам ёқмади шекилли, ноутбукнинг "куввати" тугагач, "гап"чилар ундаги ёзувлар билан таниша олмадилар.

Вақтдан унумли фойдаланиш ҳаракатида бўлган Ш. Эрматов эса йиғилганларга намозни уйда эмас, масжидда ўқиш лозимлиги, араб тилини мукаммал ўрганиш кераклиги, айни пайтда бир неча намозхоннинг қамоқда эканлиги, мусулмонларнинг ноҳақ азоб чекаётганлигини гапириб, тез орада аҳвол ўзгаришини башорат қилади. Бундай учрашувлардан яна бир нечтасида шу маънодаги гапларр у ёки бу тарзда такрорланади.

Юзаки қараганда, уларда ҳеч қандай ёмон фикр йўқдек туюлиши мумкин. Чунки, мамлакатимизнинг Асосий Қонуни ҳар бир фуқарога виждон эркинлигини кафолатлаган. Тил, шу жумладан, арабчани ўрганиш дунё илму маданиятини билиш имкониятини кенгайтиради. Аммо, юқорида эслатилганидек, суҳбатлар давомида муқаддас динимиздан ғаразли мақсадда фойдаланишга интилиш яққол сезилиб турар, улар машғулотлар чоғида ёшларга жангарилик кайфиятини юқтириш, жиҳод, яъни ислом динини бошқаларга сингдириш йўлида фаоллик қилишга тарғиб қилинар эди. Ҳолбуки, бу фикрларнинг нотўғри эканлигини Ислом университетини тугаллаган Соҳибжон ва Шавкат ҳам жуда яхши билишлари шарт эди. Зеро, "Қуръони Карим"да Оллоҳнинг ўзи Ислом дини "Агар яратганингиз истаганида эди, ҳамма бандаларини бир динда қилиб яратар эди" деган маънодаги оятни нозил қилиб, Исломга куч билан киритишни тақиқлаб қўйганини, Оллоҳнинг энг суюкли расулларидан бўлган Муҳаммад Алайҳиссалом ўзидан сўнг халифалик ўттиз йил мавжуд бўлишини, кейин диний давлат дунёвий-сиёсий тизимга ўрнини бўшатиб бериши кераклигини айтгани уларга маълум эди. Қолаверса, ҳижоб араб аёлларининг миллий либоси эканлигини, уни кийиш муслима бўлди дегани эмаслиги ҳам дин тарихию аҳкомларидан хабардор одамларга маълум бўлмаганлигига ишониш қийин. Бироқ, улар ўз атрофларига "ҳизбут-таҳрир"чиларнинг сийқаси чиққан эски ғояларини сингдиришга уринишдан эринмадилар. Шунинг учун ҳам 2010 йилнинг 20 сентябрида Тошкент вилояти МХХ ва ИИБ ходимлари ҳамкорлигида Ш. Эрматовнинг Ғазалкент қишлоғидаги уйида ва хўжалик иншоотларида ўтказилган тинтув пайтида диний мазмундаги китоблардан 56 таси, шу мавзудаги ёзувлар битилган 4 та дафтар, 79 та диск, 10 та видеокассета, 44 та аудиокассета чиққанлигига ажабланмаса бўлади.

Суд-матншунослик экспертизаси эса устига "корака" деб ёзилган дискда қирғизистонлик Рафиқ қори Камолов, "1" рақами қўйилган дискда эса Абдували Мирзаев исмли шахснинг муқаддас Ислом динимизга ёт ғоя ва тушунчаларни, ихтилофларни вужудга келтиришни ва уларда қатнашишни даъват этиб қилган маърузалари ёзилганлиги, бу эса қонун ҳужжатлари билан тақиқланганлиги ҳақидаги хулосани берди.

Арман халқ мақолида айтилганидек, арқон қанча узун бўлмасин, унинг охири, албатта, бор. Қонунларга зид равишда ташкил топган бу диний уюшма фаолиятига ҳам чек қўйилди. Мазкур ишни кўриб чиққан туман жиноят ишлари бўйича суди Шавкат Эрматов, Бахтиёр Қаҳҳоровларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбдор деб топди ва тегишли жазо чоралари қўлланилди. Қолган беш нафар йигит – Жасур Аҳмедов, Мунис Тўрахўжаев, Саидрасул Иномов, Соҳибжон Деҳқонов, Жамшид Эшматовга давлатимизнинг кечиримлилиги ва инсонпарварлиги тамойилларига кўра шартли жазо чоралари қўлланилиб, икки йил синов муддати белгиланди.

Ҳукм ўқилди. Икки йигит умрларининг энг чиройли фаслини панжара ортида ўтказадилар. Бу йиллар умр йўли, ундаги хатою адашишларни, уларнинг сабабларини таҳлил қилиш, тўғри йўлни топиб олиш учун етарли бўлишини эслатишнинг ўзи ортиқча...

И. ОБИДОВ,
Бўстонлиқ туман жиноят ишлари бўйича суди раиси.

РАССОМ ХАНДАСИ

"Барака" кредит уюшмаси умумий йиғилиши 2011 йил 21 май куни соат 10.00 да Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Агросервис касб-ҳунар коллежи мажлислар залида бўлиб ўтишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 09.03.2011 йилда № 004977-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "LAZIZ LION GROUP" МЧЖ (ИНН 301885228) манзил: Шайхонтоҳур тумани, F. Ғулом кўчаси, 2-уй, устав жамғармасини 108 099 975,59 сўмдан 2 500 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги "2011 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-1449-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги "Халқ таълими ҳудудий органлар тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 52-сонли қарорига асосан Яккасарой туман Халқ таълими бўлимининг номланиши "Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими"га ўзгартирилишини маълум қилади.

Сергели тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2010 йил 25 январь куни 002407-06 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301460037, ОКОНХ 61110) "MIRAX-BUILD" МЧЖ ўз-ўзини тугатишини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 985-42-00 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утерянную копию лицензии, утвержденную Минздравом РУз на филиал аптеки ООО "OMAD-NUR-FARM", находящийся по адресу: г. Ташкент, Чиланзар, квартал-Ц, дом 8-А, выданную 06.04.2005г.,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ЧП "INLET PROTECT" (ИНН 301729507) Шайхантахурского района г. Ташкента объявляет о реорганизации в ООО "INLET PROTECT".

Утерянное свидетельство о базовом образовании UZK № 023484, выданную в 1996 году школой-интернатом № 4 Чиназского района Ташкентской области на имя Фомичевой Варвары Владимировны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ
Навбатчи
Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 12821. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.10.12 45